

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 211 (3693).

25
ОКТАБРЬ
ЧОРШАНБА

1967 й. й.

Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИЙЎЛНИНГ 65 МИНГ ТОННА ПАХТАСИ

Янгийўл район пахтакорлари ўзларининг социалистик мажбуриятларини бажардилар. Улар бу улкан ютуққа 25 Октябр социалистик революциясининг шонли эллик йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақани чинқамсига қизитганликлари, колхозчи ва меҳнат қилганликлари тўғрисида эришдилар. Бу пахтанин эллик порцентдан ортиги машиналар билан териб олинди.

Ҳамроқул Турсуновлов номли колхоз — планда ташқари 1237 тонна пахта топшириб, Янгийўлнинг 65 минг тонналик катта хирмонига муносиб ўлчш қўшди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий

Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғини доим сақлашга муяссар бўлган бу хўжалик пахтакорлари байрам кунига яна қўлаб пахта топшириш учун далаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Райондаги «Партия XXI съезда» колхозини планда ташқари 523 тонна, «Интернационал» колхозини 330 тонна, Назарали Гисоев номли колхоз 305 тонна, Свердлов номли колхоз 284 тонна, Энгельс номли колхоз 370 тонна, «Москва» колхозини 266 тонна пахта сотиб, районда социалистик мажбуриятини бажарилишида ҳақ қилувчи роль ўйнадилар.

Жуда кўп механик-хайдовчилар байрам кунига муносиб ўлчш қўшди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ II СЕССИЯСИ



Ўзбекистон ССР Олий Совети II сессиясининг мажлислар залида.

А. Палехов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Эттизи чакриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1967 йил 24 октябрда Тошкент шаҳрида ўз ишнин бошлади.

Сессияни республика Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат З. ИСРОИЛОВА очди. Раис столи ёнида у билан бирга Олий Совет раисининг ўринбосарлари: депутатлар Ж. АЛКАНОВ, А. Д. ЛЕБЕДКОВ, Г. МИРЗАМБЕТОВА ўтиришибди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Н. Г. АНИСИМИН, Р. ҚУРБОНОВ, М. М. МУСАХОНОВ, Е. С. НАСРИДИНОВА, Р. Н. НИШОНОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат М. ТУРСУНОВ, Олий Совет Президиумининг ва республика ҳукуматининг аъзолари ҳукумат лоқаларига чиқиб ўтиришди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар Н. БОЙМУРТОВ, А. МАТҚОБУЛОВ ва П. О. ЧЕКНИН хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурматладилар.

Депутатлар сессия кун тартибининг ва унинг иш тартибини бир овоздан тасдиқладилар. Сессиянинг кун тартибига қўйиладиган масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани тўғрисида ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 — 1970 йилларга мўлжалланган планлари ҳақида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1968 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш.

Кун тартибиданги биринчи масала — Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани тўғрисида ва республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 — 1970 йилларга мўлжалланган планлари ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ҳосилларининг раиси депутат С. ЗИЕДУЛЛАЕВ доклад қилди.

Депутат С. ЗИЕДУЛЛАЕВ докладни таъом бўлган, депутатлар В. И. КОТКИНА, К. С. ПОСПЕЛОВ, Т. ТУХТАҲҲАЕВ, Х. ХУДОЙБЕРГАНОВА, Т. Т. ШОДИЕВАдан Ўзбекистон ССР ҳукуматига савол тушганлиги маълум қилинди. Саволда бундай дейилди:

«Иқри вақт ичда республикада икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш тугалланади.

Янги шариҳда шаҳар ичда ва шаҳарлар ўртасиданги транспортнинг, болалар муассасаларини ва медицина муассасаларининг, алоқа, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарининг иш қандай ташкил этила-

жагини Ўзбекистон ССР Олий Советига маълум қилишни сўраймиз».

Депутатларнинг саволи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. ҚУРБОНОВга топширилди.

Сўнгра сессия кун тартибига киритилган масалаларни қараб чиқишни давом эттириб, Ўзбекистон ССРнинг 1968 йилги давлат бюджетини тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1966 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида республика молия министри депутат В. МУРОДҲУҲАЕВнинг докладини тингладилар.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1968 йилги давлат плани тўғрисида ва республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 — 1970 йилларга мўлжалланган планлари ҳақида, Ўзбекистон ССРнинг 1968 йилги давлат бюджетини тўғрисида ва 1966 йилги республика давлат бюджетининг ижроси ҳақида Олий Совет план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладлари ҳам тингланди. Олий Совет план-бюджет комиссиясининг раиси депутат М. ИБРОҲИМОВ қўшимча доклад қилди.

Олий Советнинг биринчи мажлисида тингланган докладларнинг муҳокама қилини бошланди. Музокараларда депутатлардан: В. С. СКРЕБНЕВ (37-Гвардейский сайлов округи), Х. Р. МУСАХОНОВА (105-эски Тошкент сайлов округи), П. ҚАЮМОВ (109-Билди сайлов округи), Х. АСОМОВ (39-Думбуробод сайлов округи) сўзга чиқдилар.

ШОЛИКОРЛАР АҲДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида бошқоқ дон экинларининг қиммат баҳо турларидан бири ҳисобланган шоликорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бериш зарурлиги қайд қилинди. Ҳақиқатан ҳам шоли халқ хўжалигини исстеъмол учун зарур бўлган дон экинидир. Кейинги йилларда шолига республикамизнинг бошқа хўжаликлари каби Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номли колхозда ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Хўжаликда шоли майдони йил сайин кенгайиб борапти. Йил Ички ишлар бошқаруви шоликорлик бригадасида бу экин майдони 215 гектарга етказилди. Азаматлар юбилей йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан шоли етиштиришга аҳд қилган эдилар. Бригаданинги Лен. Ен Мо. Кан Ги Дон, Цой Наталья, Ким Чен Сук, Ким Павел сингари тажрибали шоликорлари ҳосилдорлигини оширишда намунали меҳнат қилдилар.

Миришкор деҳқонларнинг ҳалол меҳнатлари тўғрисида барча майдонларда шоли бўлиб бўлиб, қўзлагандан зиед ҳосил бўлади. Эрта пишиб етилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олишга ҳам ушқоқлик билан киришилди. Бу ишга 6 та «СК-4» комбайни ва етарли ишчи кучи сафарбар этилди. С. Номозов, Х. Ян, Алексей, Ким Анатолий, Э. Сарсенбоев, Ю. Александр, каби моҳир комбайнчилар ўзaro мусобақа асосида ишлашиб, ҳар қайсини кунига 12—13 гектар ердаги шолини ўриб, янчишга эришдилар. Комбайнчилар ва ўрим-йиғимда қатнашган кишилар орасида социалистик мусобақанинги кучайтирилганини тўғрисида бригада плани ниска муддатда оқибди бажарилди. Давлатга 860 тонна шоли топширилди. Аҳд қоллектив даладаги ҳосилнинг 40-гини ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил топшириш юзасидан оширилган мажбурият олди.

Тошкентда уюштирилган Польша виставкасининг катта муваффақияти

Польшанинги «Мотоимпорт» ва «Цекон» ташқи савдо бирлашмалари Ўзбекистон пойтахтида ташкил қилган автомобил, мотоцикл ва ускуналар виставкасини минг минглаб тошкентликлар бориб кўрдилар. Республикамиз автомобил транспортининг мутахассислари қардош мамлакат сановати ишлаб чиқарган ва бу ерга қўйилган хийма-хил буюмлар билангина танишиб қолмасдан, шу билан бирга транспорт воситаларини сақлашнинг энг янги усулларини ҳам ўрганоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Н. Г. АНИСИМИН, Р. ҚУРБОНОВ, М. М. МУСАХОНОВ, Е. С. НАСРИДИНОВА, Р. Н. НИШОНОВ, С. Р. РАСУЛОВ, М. Т. ТУРСУНОВ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. ЗИЕДУЛЛАЕВ, М. З. МИРЗААМедов, А. Р. ХУҲАЕВ ўртоқлар 24 октябрда виставкани бориб кўрдилар.

Юбилей йили «ОК» ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАНИРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими	
			Бир кунда	мавсум бошидан бери
Оққўрғон	0,06	113,67	0,08	129,23
Бўка	0,02	109,00	0,03	133,23
Янгийўл	—	108,44	—	115,90
Урта Чирчиқ	0,2	107,59	—	130,56
Юқори Чирчиқ	0,13	104,87	0,13	144,00
Оржоникидзе	—	96,60	—	90,00
Беканбод	0,12	85,03	—	97,86
Область бўйича	0,05	105,79	0,03	124,36

ЮКСАК

НОМ УЧУН

Қўз очиб қўрган она шаҳрига у 47 йилдан сўнг қайтиб келди.

Большевиклар партияси, дохил В. И. Ленин 1920 йил бошларида Октябрь революцияси манфаатларини ҳимоя қилиш, босмачилик ҳаракатини тугатиш, Совет ҳокимиятини ғалабаларини мустаҳкамлаш учун Туркистонга оташнафас коммунист, машҳур саркарда М. В. Фрунзени юборди. Михаил Васильевич ўша йилнинг февраль-сентябрь ойларида Туркистонда яшайди. Туркистон ҳарбий округи қўшнларининг қўмондонини Фрунзе етти ой ичда гоҳ пайда, гоҳ етти юриб, бугун Ўрта Осиёни кезиб чиқди. Қизил Армияга, меҳнаткаш халқ оmmasига бош бўлиб, босмачилар билан юзмаюз олинди. Бухоро амирлигининг таг-туғи билан тугатини режаларини ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Унинг қизи Татьяна ўша бўрокда кураш йилларини август ойида Тошкентда тутилган эди. Замона сайли билан у халқ бир ойлик бўлмасиданоқ фрунзепар оиласи билан Москвага кетиб қолди. Йиллар ўтаборди. Татьяна аввал ўрта мактабни, кейин Менделеев номли химия технология институтини таъомлади. У ҳозир кимё фанлари доктори, СССР Фанлар академияси элементоорганик кўшнмалар институтининг ходими, полимерлар соҳасида йirik мутахассис. Унинг Тошкентта келиши ҳам хизмат важди. В. И. Ленин номли давлат университетини кимёгар олимларидан бири докторлик диссертациясини ёқлади. Татьяна Михайловна, шу диссертацияга опонентлик қилди. У Тошкентда бўлар экан, отасининг ҳаёти, фаолияти билан

Янгийўлдаги тажриба—қолбаса завод коллективини юбилей йилида катта мақсадлар билан меҳнат қилмоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли коллектив номини олиш учун астойдил курашмоқдалар. Бунинг учун барча цех ва участкаларда социалистик мусобақа авж олиб кетди. Унда коллективнинг ҳар

бир аъзоси фаол иштирок этмоқда. Шу тўғрисида ҳам давлат планлари оидан ойда ортиги билан бақарилаяпти.

Корхона ишчилари шу йилнинг ўн ойлик ялли мақсулот ишлаб чиқариш топширигини муддатдан анча илгари — 14 октябрдаёқ 100,1 процент қилиб, бажардилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоба олиб, ой охиригача қўшимча яна

200 минг сўмлик ялли мақсулот, 160 тонна қолбаса ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Завод ишчи-инженерлари ва рационализаторлари ишлаб чиқаришнинг оқсётган уштакларини таъкиллаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг илл бошидан бери амалга оширган тақдирлари йилига 213 минг сўмлик давлат маблагини тежаб қолиш

имконини беради. Тежамкорлик юзасидан бошланган вазоратварлик ҳаракатига қўшилган корхона коллективини ички имкониятлардан фойдаланиб қўшимча маблаглар сарфламасдан анчагина мақсулот тайёрлади. Шу йилнинг 9 ойи давомида тежаб қолинган хомашё ҳисобига 196 минг сўмлик, яъни 90 тоннага экан қолбаса мақсулотлари ишлаб чиқарилди.

МАШҲУР САРКАРДА ХОТИРАСИ

боғлиқ бўлган жойларга борди. Ўзбекистон пойтахти меҳнат аҳлининг ҳаёти билан танишди. Татьяна Фрунзе «Фрунзевец» газетаси журналистлари, Ўзбекистон кимёгар олимлари, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи ишчиларининг иззатли меҳмони бўлди. Унинг ўтган шапба оқшомидаги Янгийўл район Фрунзе номли колхоз аҳли билан учрашуви катта шодибанага айланиб кетди.

Колхознинг муҳташам клуби ўзбеклар учун айниқса қадрдон, афсонавий қаҳрамон Михаил Фрунзенинги қизи Татьяна Михайловна билан учрашнинг келганларини ўз бағрига сиғдиришга қолди. Улуғ Октябрь инқилобининг ярим асрлик юбилейига бағишлаб ўтказилган ани шу тантанали кечада район партия комитетининг секретари С. Сайлаев, колхоз правленис раиси М. Эргашев, механик-хайдовчи У. Анорбоев, район халқ маорифи бўлими мудири В. Тошматов, академик Х. Усмонов ўртоқлар Татьяна Фрунзенинги отаси номига қўйилган колхозга келишини қизини табриқладилар. Колхозчилар уни ўз колхозларининг фахрий аъзоси қилиб сайлаб, меҳнат дафтараси топширишди. Мактаб пионерлари фахрий пионерликка қабул қилишди.

Колхозчилар қадрли меҳмонга ўз хўжаликлари эришмаётган ютуқлардан сўзлаб бердилар. Колхоз бу йил ҳамма соҳалар бўйича плани бажарди.

— Сиз келган шу бугун,



Татьяна Михайловна Фрунзе ўзбек қизлари билан эски қадрдонлардек дарҳол тил топишиб олди. Уларнинг меҳнати, турмуши билан қизиқди. Сўрагач: Т. М. Фрунзе механик-хайдовчи У. Анорбоев ва район партия комитети инструктори С. Азимова билан суҳбатлашмоқда.

А. Абалая фотоси.

райси депутат С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВ доклади

